



PEOPLE'S DIPLOMACY IN CENTRAL ASIA: 5 IMPORTANT WAYS OF INTEGRATION

O. Alimardonov

PhD.

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: People's diplomacy, Central Asian states

Received: 14.06.22

Accepted: 16.06.22

Published: 18.06.22

Abstract: People's diplomacy is based on the initiatives of non-governmental organizations, which act as an element of self-government in civil society, aimed at assisting official diplomatic services, and its purpose is to participate in the peaceful resolution of internal and external problems in the country. This article reveals 5 important ways of people's diplomacy in Central Asia.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ: ИНТЕГРАЦИЯНИНГ 5 МУҲИМ ЙЎЛИ

O. Алимардонов

PhD.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Халқ дипломатияси, Марказий Осиё давлатлари

Аннотация: Халқ дипломатияси расмий дипломатик хизматларга ёрдам беришга йўналтирилган фуқаролик жамиятидаги ўзини-ўзи бошқариш элементи сифатида келувчи нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ташаббуслари асосида вужудга келади, ва унинг мақсади давлатда вужудга келувчи ички ва ташқи муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилинишида иштирок этишдир. Ушбу мақолада Марказий Осиё давлатлари халқ дипломатияси: интеграциянинг 5 муҳим йўли очиб берилган.

НАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: 5 ВАЖНЫХ ПУТЕЙ ИНТЕГРАЦИИ

О. Алимардонов

PhD.

Национальный Университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Народная дипломатия, государства Азии	Аннотация:	Народная дипломатия основывается на инициативах неправительственных организаций, выступающих элементом самоуправления в гражданском обществе, направленных на содействие официальным дипломатическим службам, и ее целью является участие в мирном решении внутренних и внешних проблем в стране. В данной статье раскрываются 5 важных направлений народной дипломатии в Центральной Азии.
------------------------	---------------------------------------	-------------------	---

КИРИШ

Халқ дипломатияси деб - ўз зиммасига кўнгилли равишда дипломатик маъсулиятни олган ташаббускор фуқаролар томонидан амалга ошириладиган халққа хизмат кўрсатиш турига айтилади. Халқ дипломатияси расмий дипломатик хизматларга ёрдам беришга йўналтирилган фуқаролик жамиятидаги ўзини-ўзи бошқариш элементи сифатида келувчи нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ташаббуслари асосида вужудга келади, ва унинг мақсади давлатда вужудга келувчи ички ва ташқи муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилинишида иштирок этишдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

А. Долинский таъкидлашича, бугунги кунда халқ дипломатияси фанлараро соҳадир, у ерда кўплаб дипломатлар ва халқаро муносабатлар назарияси мутахассислари ишлайди, бу эса турли хил қарашлар ва ёндашувларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, кўплаб янги йўналишлар пайдо бўлмоқда (улар орасида маданий дипломатия ҳам бор ва улар геосиёсатда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, маданий дипломатия халқ дипломатияси каби ташқи сиёсатнинг таркибий қисмлари билан биргаликда маданий тадбирлар ва дастурларга эътибор қаратадиган тор тушунча сифатида қабул қилинади. Ж.Найнинг фикрича, маданият “юмшоқ куч” нинг асосий манбаларидан биридир. У ташқи сиёсатнинг таркибий қисми сифатида, тарихан мамлакатлар томонидан ўз тили ва маданиятини оммалаштириш мақсадида фойдаланиб келинди, бугун уни халқ дипломатиясига тенглаштиришади. Бошқача айтганда, маданий дипломатия “халқ дипломатиясининг асосидир, чунки маданият орқали миллат ўзлигини дунёга намойиш

этади, ўз қадриятлари ва ғояларини тарғиб қилади”. Бундан ташқари, Буюк Британиялик академик Леонард ХХІ асрда халқ дипломатиясининг энг муҳим ютуқларини маданий сиёсатнинг ривожланиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Шу сабабли, маданий дипломатия давлатнинг халқ дипломатиясининг асосий воситаси эканлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин. Нидерландиялик машҳур олим Питер Ван Хамнинг сўзларига кўра, барқарор муносабатларни ўрнатишда турли номоддий мезонлар (маданият, қадриятлар, дунёни идрок этиш ва бошқалар) давлатларнинг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги асосини тушунишни талаб қилади. Халқ дипломатияси эса бундай тушунишни амалга оширишга имкон беради. Халқ дипломатияси шундай ресурски, ундан фойдаланиш Марказий Осиё минтақасига оид кўплаб муаммоларни ҳал этган бўлар эди. Аммо, ҳудудда ҳали бу соҳага қизиқиш етарли даражада эмас, ва бу ҳол халқ дипломатияси ва унинг амалий қўлланилишига нисбатан илмий қизиқиш даражасида ҳам намоён бўлади. Б.Х.Бахриев Халқ дипломатиясини Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда турли этник муоммоларни олдини олишдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтиб, “Марказий Осиё минтақаси, жаҳон сиёсатида чекка минтақа мақомидан кутулган бўлсада, сиёсат, иқтисод, ва хавфсизлик соҳаларида мураккаб ҳудуд сифатида қолаётганлигини таъкидлайди. Бу ҳудуд ҳалигача хавфсизлик ва барқарор муносабатлар ҳудуди сифатида шаклланмади ва бунга минтақа ичидаги қарама-қаршилиқлар сабаб бўлмоқда. Санаб ўтилган муаммолар бир томондан, турли давлатлар ичкарасидаги муаммолар натижаси бўлса, иккинчи томондан, минтақа республикалари орасидаги тизимли-конструктив алоқаларнинг йўлга қўйилмаганлиги ва халқ дипломатияси механизмларининг ривожланмаганлиги натижасидир.

Совуқ уришдан кейинги йилларда жаҳон сиёсий майдони янги мустақил давлатлар ҳисобига янада кенгайди. Собик Совет Иттифоқи ва Собик Югославия ўрнида ташкил топган давлатлар БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланишди. Биполяр тизимнинг инқирози янги ҳукуматлар ва жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш заруриятини вужудга келтирди. АҚШ, “янги” Россия, Хитой, Туркия каби давлатлар жаҳон сиёсий ва иқтисодий майдонида ташкил топган янги субъектлар билан алоқа ўрнатишда халқ дипломатиясига мурожаат этишди. Бундай вазиятда ривожланган давлатлар ва янги ташкил топган давлатларнинг ҳар икки тараф жамоатчилиги ўзаро алоқаларни ўрнатишдан маффаатдор эдилар. Мисол учун, Марказий Осиёнинг пост совет давлатлари ҳисобланган Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон учун тезлик билан жаҳон аренасига чиқиш, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий салоҳиятини ошириш, хориждан муносиб шериклар излаб топиш масаласи ҳаётий зарурият ҳисобланарди. Бундай вазиятда интеграциялашувнинг 5 муҳим йўли босиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи йўл Россия билан алоқаларни янги иттифоқ кўринишида давом эттириш. Бунинг аҳамияти шунда эдики, собиқ Совет Иттифоқи *де юре* фаолиятини тугатган бўлсада *де факто* ҳали ҳам ўзаро жамоатчилик алоқалари давом этиб келаётган эди. Яъни халқ дипломатияси алоқалари кўринишида халқлар ўртасида алоқалар сақланиб қолинган. Фикримизча, муштамлакачилик тузуми даврида ўрнатилган бу алоқалар Марказий Осиёнинг янги давлатлари ижтимоий-сиёсий жараёнларига таъсири яққол сезилади. 1991 йилда МДХ нинг ташкил топиши ва фаолияти айнан халқ дипломатиясининг таъсири натижаси деб қараш мумкин. Ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, савдо-сотиқ, таълим, фан ва маданият ва бошқа соҳа вакиллари ўртасида жамоатчилик алоқалари давом этаётган бир шароитда МДХ га ўхшаш тузилманинг вужудга келиши табиий жараён эканлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчи йўл мутлоқо янги иттифоқчилар қидириш. Бунда аввало, АҚШ, Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг жамоатчилиги билан тўғридан тўғри ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш нуқтаи назаридан олиб қараганда янги ва аммо синалмаган йўл эди. Марказий Осиё мамлакатлари бундан сира чўчимасдан мустақиллигининг дастлабки йилларидан эътиборан жаҳон мамлакатлари билан билан расмий алоқалар ўрнатди ва бу хориж жамоатчилиги билан халқ дипломатиясини олиб бориш имконини берди.

Учинчи йўл тил, дин ва миллий урф-одат ва анъаналарнинг яқинлигидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш. Туркий тилли давлатлар ва Араб давлатлари билан ўрнатилган алоқалар замирида халқ дипломатиясининг маълум элементлари яъни, тил жиҳатдан яқинлик, диний эътиқоднинг ягоналиги катта рол ўйнаган. Халқ дипломатиясининг бу йўли фикримизча узоқ тарихга бориб тақлади. Ва янги алоқаларда ҳам шу жиҳат устунлик қилган.

Тўртинчи йўл ички интеграцияни кучайтириш Яъни, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида интеграцияни кучайтириш жамоатчилик алоқалари таъсирида кечган. Совуқ уруш ниҳоясига етгандан сўнг Марказий Осиё минтақаси замонавий дунёнинг муҳим геосиёсий марказларидан бирига айланиб, жаҳон иқтисодий ривожланишини таъминлашда алоҳида ўрин тутган. Бу эса минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашни талаб этувчи интеграция зарурлигини кўрсатган. 1993 йил минтақа мамлакатлари раҳбарлари учрашувида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов сиёсий жиҳатдан биринчи марта “Марказий Осиё” атамасини қўллаб минтақа мамлакатларининг кенг жамоатчилигини бирлик ва дўстликка чақирган.

Бешинчи йўл Осиё ва Тинч океани минтақасидаги давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бу минтақадаги давлатлар шиддат билан ривожланаётган иқтисод, таълим,

маданият уйғунлигига эга ўз тараққиёт моделлари билан танилиган эди. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Вьетнам ва Индонезиянинг 2-жаҳон урушидан кейинги ўсиш суръати ҳамда халқининг меҳнатсеварлиги Марказий Осиёнинг янги давлатлари учун ўрнатилган бўлиши мумкин эди. Бугунги кунда минтақа давлатлари учун Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари билан алоқалар стратегик аҳамият касб этади.

Минтақа давлатлари учун ҳам ўзаро яқин қўшничилик ва дўстона ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ҳаётда муҳим. Зеро Марказий Осиёда жойлашган мамлакатлар чегараларининг ҳар икки ёнида аҳоли тўғрисида – (мисол учун, Жанубий Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларида ўзбеклар билан қирғизлар қадимдан аралаш яшаб келишади ва чегараолди туманларида истиқомат қиладиган кишиларнинг умумий сони қарийб ўн миллион нафар одамни ташкил этади) яшайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида муштаракликлар билан бир қаторда муаммолари ҳам кўп. Бундай ҳолда барча масалани давлатлар зиммасига ташлаб қўйиб, томошабин бўлиб ўтириш тўғриси бўлмайди. Чунки кўп асрлик қўшнилар орасида ижтимоий ва иқтисодий, маданий, диний, маърифий-ахлоқий, илмий ва ҳоказо соҳаларда бир талай масалалар ҳам борки, уларнинг барчаси давлат томонидан ҳал қилиниши шарт эмас. Мана шундай ўринларда “халқ дипломатияси” деб аталадиган ижтимоий институтнинг ўрни алоҳида сезилади.

Марказий Осиёда халқ дипломатиясининг ўзига хос механизми ишлаб чиқилган. Сўнги йилларда мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро дўстона муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган глобаллашув даврида халқ дипломатиясининг муҳим тармоғи ҳисобланган дўстлик жамиятларининг ўрни бекиёсдир, Ўзбекистонда ташкил этилган “Ўзбекистон-Қирғизистон”, “Ўзбекистон-Қозоғистон”, “Ўзбекистон-Тожикистон”, “Ўзбекистон-Туркменистон”, “Ўзбекистон-Афғонистон” дўстлик жамиятлари ҳам ана шу халқ дипломатиясининг муҳим бир бўғини сифатида қардош эллар ўртасида ижтимоий-маданий, адабий ва илмий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мамлакатлар вакиллариининг ўзаро ташрифларини кўпайтириш, чинакам дўстона алоқаларини фақат номига эмас, янги замон талабларига мувофиқ равишда – астойдил кучайтиришга ҳаракат қилиб келаяпти.

ХУЛОСА

Бизнинг фикримизча, дўстлик жамияти деган муассаса фақат қардошлик ва ўзаро иноклик ҳақида чиройли сўзларни айтиб юриши учун таъсис этилмаган. У – халқ дипломатиясининг энг таъсирчан ускунасига айланиши керак. Мисол учун Ўзбекистонда “Обод қишлоқ” дастур доирасида биринчи бўлиб Жиззах вилоятидаги Манас қишлоғи тубдан қайта қурилиб, ободонлаштирилгани, Ўзбекистон томонидан Ўш шаҳрида Алишер

Навоий номида мактаб куриб, қирғиз ўқувчиларига ҳадя этилгани Қирғизистон жамоатчилиги томонидан алоҳида хурсандчилик билан кутиб олинди. 2018 йил Қозоғистонда “Ўзбекистон йили”, 2019 йил Ўзбекистонда “Қозоғистон йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилган турли маданий-маърифий тадбирлада икки халқ вакиллари фаол иштироки дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатида муоммоларни тинч йўл билан сиёсий музокаралар орқали ҳал этиш Мамлакат конституциясида ҳам асосий принцип сифатида қайд этилган. И. Бекмуродов - “халқ дипломатияси масаласи Ўзбекистон учун қўшни мамлакатлар билан ҳам самарали алоқалар ўрнатишда жуда муҳим аҳамиятга эга дипломатик восита” – деб фикр билдиради. Бугун халқ дипломатияси Марказий Осиёда чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўтқир минтақавий масалаларни ечиш бўйича оқилона мураса йўлини кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиёнинг қўшни давлатлари билан дўстлик алоқаларида халқ дипломатиясининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, Ўзбекистоннинг минтақадаги обриси ва имиджини ошишига хизмат қилади. Иккинчидан, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган халқ дипломатияси тамойиллари Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таминлашга ҳисса қўшади. Учинчидан, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамланишига ва мамлакатнинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ривожланишига олиб келади. Тўртинчидан, мамлакатдаги ННТ ларнинг роли ва аҳамиятини, жамоатчиликнинг фикрини мустаҳкамлашга эришилади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида халқ дипломатиясининг самарали фаолияти минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, қўшни ва чет давлатлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашда, жамоатчилигида ижобий фикр шаклланишида ҳамда умумий тараққиётга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dolinskiy, A. V. (2011a). Diskurs o Publichnoy Diplomatii (Discourse on Public Diplomacy). –Mezhdunarodnye Protsessy, Vol. 9, No. 1 (25), PP.63–73.
2. Cull, N., J. (2008). Public Diplomacy: Taxonomies and Histories. – The ANNALS of the American Academy of Political and Social Science, Vol. 616, No. 1, P.33.
3. Nye J. Public Diplomacy and Soft Power. Annals of the American Academy of Political and Social Science. 2008. Vol. 616, pp. 94–109.
4. Долинский А.В. Современные механизмы сотрудничества в рамках публичной дипломатии. Диссертация на соискание ученой степени канд. полит. н. М: МГИМО (У), 2011. – 210 с.

5. Василенко Е.В. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» государства // Перспективы. Электронный журнал. – 2016. – № 1 (5). – С.68-80.
6. Leonard, M., Stead, C., Smewing, C. (2002). Public Diplomacy. London: The Foreign Policy Centre.P.10.
7. Van Ham P. Place Branding: The State of the Art. Annals of the American Academy of Political and Social Science. 2008. Vol. 616, pp.126-149.
8. Публичная дипломатия: Теория и практика: Научное издание / Под ред. М. М. Лебедевой. — М.: Издательство «Аспект Пресс», 2017. — 272 с.
9. Khaydarov, M. M., Juraev, R. T., Khaydarov, I. M., Babajanov, H. B., Abdulboqiyev, F. A., & Alimardonov, O. Q. (2020). Justice and Revolution in the Territory of Turkestan (1920s and 1930s). *Solid State Technology*, 284-291.